

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЛДОШЕВ ҒУЛОМ МАМАЮСУПОВИЧ**

**КУФЭСТРОЛ ПРЕПАРАТИНИ ПАРРАНДАЛАР ОРГАНИЗМИГА  
ТАЪСИРИ**

**16.00.04 –Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси,  
экологияси, зоогигиенаи ва ветеринар–санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences**

**Қулдошев Гулом Мамаюсупович**

Куфэстрол препаратини паррандалар организмига таъсири.....3

**Қулдошев Гулом Мамаюсупович**

Влияние препарата куфэстрола на организм птиц.....21

**Kuldoshev Gulom Mamayusupovich**

Effects of the kufestrol drug on the body of poultry.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЛДОШЕВ ҒУЛОМ МАМАЮСУПОВИЧ**

**КУФЭСТРОЛ ПРЕПАРАТИНИ ПАРРАНДАЛАР ОРГАНИЗМИГА  
ТАЪСИРИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария санитарияси,  
экологияси, зоогигиена ва ветеринар–санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/V79 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.ssuv.uz](http://www.ssuv.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холиков Аброр Азамович**  
ветеринария фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Салимов Юнус**  
ветеринария фанлари доктори, профессор

**Юсупов Олимжон Шохонович**  
ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ветеринария илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «4» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20; e-mail: [ssuv@edu.uz](mailto:ssuv@edu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14309 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20).

Диссертация автореферати 2023 йил «20» ноябр куни тарқатилди.  
(2023 йил «20» ноябр даги № 1 - рақамли реестр баённомаси).



**Х.Б.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

**С.Б.Эшбўриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

**Қ.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида паррандачилик жадал ривожланиб бораётган, сердаромад кишлок хўжалик тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа экологик жиҳатдан тоза ва сифатли парранда гўшти, ундан тайёрланадиган парҳез гўшт маҳсулотлари, тухум ва саноат учун пат ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бугунги кунда жаҳонда гўшт маҳсулотлари етиштириш ва истеъмоли бўйича парранда гўшти иккинчи ўринда туради. Парранда гўшти таркиби жиҳатидан ҳар хил кимёвий элементларга бой бўлиб, енгил ҳазм бўлиш хусусиятига кўра чорва моллари гўшtidан устун туради<sup>1</sup>. Шу сабабли паррандачилик хўжаликларидан самарали фойдаланиш, аҳолини сифатли парранда гўшти ва тухум маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички ва ташқи бозорларга маҳаллий паррандачилик маҳсулотларини сотишни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатларида кишлок хўжалик паррандаларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш мақсадида озиқа кўшимчалари, витаминлар, ветеринария дори-дармонларини ишлаб чиқариш ва қўллаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада паррандаларнинг маҳсулдорлигини оширишда турли фармакологик дори воситаларини қўллаш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилмоқда. Аммо, куфэстрол препаратининг товуклар ва жўжалар организмига ҳамда маҳсулдорлигига таъсири етарлича илмий асосланмаган. Паррандалардан сифатли истеъмомолга яроқли гўшт ва тухум маҳсулотлари олиш учун улар организмига салбий таъсир кўрсатмайдиган, маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланган арзон ва самарали фармакологик воситаларни тайёрлаш ва уларни амалиётда қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ветеринария соҳасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурда<sup>2</sup> паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Ушбу муҳим вазифаларни самарали ҳал этишда паррандачиликдаги кўплаб муаммолар соҳани ривожлантиришга катта тўсиқлардан саналади. Товуқ ва жўжаларда маҳсулдорликнинг пасайиши, озиқа сарфининг ортиши, касалликларга чидамлилигини камайиши ва нобуд бўлиши хўжаликларга катта иқтисодий зарар олиб келади. Шу боисдан паррандачилик учун табиий, импорт ўрнини босувчи биологик фаол дори воситаларини қўллаш устувор вазифалардан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Празян К.А. Содержание фитоэстрогенов в люцерне и их влияние на воспроизводительные функции животных.// Автореферат. дисс. канд. биол. наук., 2014; Ереван. - С. 23.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги<sup>3</sup>, 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021-йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озиқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2022 йил 24 январдаги «Паррандачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишини V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Паррандачилик хўжаликларида биостимуляторлардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари бир қанча маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан ўрганилган. Бундай тадқиқотлар хусусан, хорижий олимлар Е.В.Александрова, Р.Р.Гадиев, И.Р.Долинин, А.Ф.Лукьянов, Н.Н.Мешков, К.А.Празян, Н.А.Табаков, В.Н.Шуганов, В.Фисинин, Е.Краузе, В.С.Касаткин томонидан, республикамиз олимлари М.Маматхонова, С.С.Нарзуллаев, Х.С.Ахмедходжаев, А.И.Саидхўжаевлар ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлиб, биостимуляторларни паррандалар организмига ва уларнинг маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, Республикамининг паррандачилик фермер хўжаликлари шароитида куфэстрол препаратини паррандалар организмига фармакологик таъсири етарлича асосланмаган. Тухум йўналишидаги жўжалар ва товуклар, бройлер жўжалари организмига куфэстрол препаратини фармакологик таъсири ҳамда улардан олинадиган тухум ва гўшт маҳсулотларини ветеринария санитария экспертизасини ўрганиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг илмий ишлари режаси ҳамда Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Оқдарё ва Жомбой туманлари паррандачилик фермер хўжаликлари билан тузилган (2020-2023 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Куфэстрол препаратини жўжалар ва товуклар организмига фармакологик таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг тухум ва гўшт маҳсулотларини ветеринария санитария жиҳатидан баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

куфэстрол препаратининг тухум йўналишидаги жўжаларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

куфэстрол препаратининг тухум йўналишидаги жўжалар ва товуклар қонининг морфологик, биокимёвий ҳамда иммунологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

куфэстрол препаратининг товуклар тухум маҳсулдорлиги ва тухумнинг сифатига таъсирини аниқлаш;

куфэстрол препаратининг бройлер жўжаларини ўсиш ва ривожланишига, қоннинг морфологик, биокимёвий кўрсаткичларига ҳамда бройлер жўжалар гўштининг сифатига таъсирини аниқлаш;

куфэстрол препаратини паррандачилик соҳасида самарали қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилоятининг паррандачилик хўжаликларидаги товук ва жўжалар, улардан олинган қон, тухум, гўшт намуналари, витаминли-минералли премикслар, куфэстрол препарати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тажриба ўтказилган паррандачилик фермаларидаги жўжа ва товукларни гематологик кўрсаткичлари, тухум таркиби, рацион таркиби, витаминли-минералли премикслар, куфэстрол препарати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик, органолептик, физика-кимёвий, овоскопия ҳамда статистик ишлов бериш усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

куфэстрол препарати қўлланилган тухум йўналишидаги жўжаларнинг яшовчанлиги 99 % ни, ўртача тирик вазни 23,5 % га ошганлиги аниқланган;

куфэстрол препарати қўлланилган тухум йўналишидаги товукларда гематологик ва иммунологик кўрсаткичларига ижобий таъсири тажрибаларда исботланган;

куфэстрол препарати қўлланилган товукларда тухум маҳсулдорлиги ўртача 14% га, тухумнинг вазни 8,5% га юқори бўлиши ва тухумни ветеринария санитария жиҳатидан баҳолаганда унинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслиги илмий асосланган;

бройлер жўжаларига куфэстрол препарати билан бойитилган омухта емнинг берилиши гўшт маҳсулдорлигини 25,8 % га кўпайтириши ҳамда улар организмига фармакостимулловчи таъсири юқори эканлиги тажрибаларда исботланган;

куфэстрол препарати қўлланилганда бройлер жўжалар гўштининг органолептик, физик-кимёвий кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тухум йўналишидаги товуклар ва бройлер жўжаларининг озика рационига куфэстрол препаратини 20 г/тонна миқдорда аралаштириб бериш усули ишлаб чиқилган;

паррандаларда куфэстрол препаратини қўллаш орқали улардан ветеринария санитария жиҳатидан истеъмолга яроқли гўшт ва тухум маҳсулотлари олиш мумкинлиги тажрибаларда исботланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали апробация комиссиялари томонидан илмий тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолар берилган, олинган рақамли маълумотлар биометрик ишловдан ўтказилган. Ишда олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, паррандалар сонининг етарли эканлиги, шунингдек, олинган назарий маълумотларининг тажриба натижалари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жўжалар ва товуклар рационига куфэстрол препаратини қўшиб берилиши уларда моддалар алмашинуви жараёнларини меъёрлаштириши, қоннинг морфобиокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари, тухумнинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паррандалар озикасига куфэстрол препаратидан 20 г/тонна миқдорда қўшиб бериш усули ишлаб чиқилганлиги, натижада улардан олинадиган тухум ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириши, жўжалар ва товуклар тана вазни, тухум бериш сони, тухум ва гўштни сифатига ижобий таъсир этиши илмий асосланганлиги ва амалий тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Куфэстрол препаратини паррандалар организмга таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Паррандаларни маҳсулдорлигини оширишда куфэстрол препаратини қўллаш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 09 июндаги №02/23-155-сон маълумотномаси). Натижада бройлер жўжаларида тана вазнининг ўртача 25,8% га, товукларда тухум маҳсулдорлигининг ўртача 14% га юқори бўлишига эришилган;

Куфэстрол препаратини паррандаларнинг озика рационига 20 г/тонна миқдорда аралаштириб бериш усули ишлаб чиқилган ва Самарқанд вилоятининг паррандачилик хўжаликларида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 09 июндаги №02/23-155-сон маълумотномаси). Куфэстрол препаратини товуклар ва бройлер жўжаларда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига 6,56 сўм соф фойда олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика илмий журналларида, 2 таси хорижий журналларда, 2 та халқаро ҳамда 5 та республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, «Фитоэстрогенларнинг умумий тавсифи» деб номланган биринчи қисмида фитоэстрогенларни олиш манбаалари, фармакологик таъсир хусусиятларига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «*Ferula L.* туркуми турларининг фармако-токсикологик хусусиятлари» деб номланган иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили асосида *Ferula L.* туркумига кирувчи ўсимликларнинг ер устки қисмидан тайёрланган препаратларни фармако-токсикологик хусусиятлари тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган.

«Фитоэстрогенларни ҳайвонлар ва паррандалар организмига таъсири» деб номланган учинчи қисмда таркибида фитоэстрогенлар сақлайдиган ўсимликларнинг эстрогенлик хусусиятлари тўғрисида маҳаллий ва хорижий олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари тўғрисида маълумот берувчи кенг кўламли материаллар келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида ҳайвонлар ва паррандалар организмига эстрогенларни таъсири, уларнинг меъёр ва миқдорлари ҳақида илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар материаллари ва услублари, тадқиқотлар, объекти ва предмети**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Асосий илмий тадқиқотлар Самарқанд вилояти Жомбой туманининг «Уктам» хусусий илмий

ишлаб чиқариш фермер хўжалигида, Оқдарё туманининг “Оқдарё Озодбек паррандаси” фермер хўжалигида ва Самарқанд туманидаги “Миронқул Агрозооветсервис илмий-амалий маркази” МЧЖ ларга қарашли паррандачилик фермер хўжаликларида, Лаборатория текширишлари “Самарқандпарранда” ОАЖ қўшма корхонаси лабораториясида, Самарқанд марказий шифохонасининг марказий биокимё лабораториясида ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Фармакология ва токсикология лабораториясида ўтказилди. Товуқлардан олинган қон кўрсаткичларини (морфологик, биокимёвий, иммунологик) аниқлашда автоматлашган гематологик анализатори BIOBASE BK6190, Mindray MR-96A иммунофермент анализатори ҳамда ярим автоматлашган биокимёвий Mindray BA-88A анализаторлари ёрдамида амалга оширилди. Тажрибалар 2018-2022 йиллар давомида амалга оширилган.

Товуқларда куфэстрол препаратини фармакологик таъсир хусусиятларини аниқлаш учун 3 босқичда илмий ва илмий-хўжалик тажрибалари ўтказилди.

Биринчи босқич тажрибаларимиз Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги “Оқдарё Озодбек паррандаси” фермасида 10 кунлик 255 бош тухум йўналишидаги “Ломанн Браун” кроссли жўжалар танлаб олинди. Тажрибаларни ўтказиш учун ҳар бири 85 бошдан 3 та гуруҳга ажратилди. Жўжаларни кунлик ўсишини аниқлашда, аналитик электрон тарози ёрдамида амалга оширилди.

Назорат гуруҳи жўжаларига фақат хўжалик рациона асосида озиклантирилди. Иккинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационага “Есоміх” премиксдан (1кг/100 кг) емга аралаштириб берилди. Учинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационага куфэстрол препаратидан (1гр/100 кг) емга аралаштириб берилди. Тажрибалар 60 кун давом этди.


Иккинчи босқич тажрибалар Самарқанд вилояти Жомбой туманининг «Уктам» ҳамда Оқдарё туманининг “Оқдарё Озодбек паррандаси” фермер хўжаликларидан жами 90 кунлик 300 бошдан жўжалар олинди, 100 бошдан қилиб, 3 та гуруҳга ажратилди. Назорат гуруҳидаги жўжалар фақат хўжалик рациона асосида озиклантирилди, иккинчи тажриба гуруҳидаги жўжалар рационага қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 100 кг емига 1,5 грамм, учинчи тажриба гуруҳидаги жўжалар рационага “Есоміх” премиксдан 100 кг емига 1 кг қўшиб берилди. Тажрибалар 180 кун давом этди. Товуқлар тухумининг сифат кўрсаткичларини Овоскоп ёрдамида органолептик усулида аниқланди.

Куфэстрол препарати қўлланилган товуқлар организмида кузатиладиган патологоанатомик ўзгаришларни аниқлаш, ветеринария фанлари номзоди Б.А.Кулиев иштирокида ўтказилди.

Учинчи босқич тажрибалари “Миронқул Агрозооветсервис илмий-амалий маркази” МЧЖ паррандачилик хўжалигида ўтказилди. Тадқиқотларимиз учун 120 бош 1 кунлик РОСС-308 кроссли бройлер жўжалар олинди, 30 бошдан 4 та гуруҳга ажратилди. Жўжаларни кунлик ўсиш ва ривожланишдаги тирик вазни, электрон тарози ёрдамида амалга оширилди. Назорат гуруҳидаги бройлер жўжалари хўжалик рациона билан озиклантирилди. Иккинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационага қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 1 гр/100 кг емига аралаштириб берилди. Учинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационага қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 1,5 гр/100 кг емига аралаштириб берилди. Тўртинчи

тажриба гуруҳига хўжалик рационига кўшимча “Куфэстрол” препаратидан 2 гр/100 кг емига аралаштириб берилди. Тажрибалар 42 кун давом этди. Бройлер жўжалар гўштининг сифат кўрсаткичларини ветеринария санитария жиҳатидан баҳолашда В.А.Макаров ва бошқалар (1986) томонидан тавсия этилган органолептик ва биокимёвий баҳолаш усулларидадан фойдаланилади.

Диссертациянинг «Тухум йўналишидаги паррандаларнинг махсулдорлигини оширишда куфэстрол препаратини фармакологик таъсир хусусиятлари» деб номланган учинчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Қўлланилган препаратларни фармакологик тавсифи ва қўлланилиши» деб номланган бўлиб, бу қисмда тажрибаларда қўлланилган Куфэстрол ва Есоміх препаратларини таркиби, дозалари ва қўлланилиши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Шу бобнинг иккинчи қисми «Куфэстрол препаратини тухум йўналишидаги жўжаларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсири» деб номланиб, бу қисмда 10 кунлик 255 бош тухум йўналишидаги “Ломанн браун классик” кросли жўжалар танлаб олинди. Тажрибаларни ўтказиш учун ҳар бири 85 бошдан 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи назорат гуруҳи бўлиб, хўжалик рацион билан озиклантирилди. Иккинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационига “Есоміх” премиксдан (1кг/100 кг) емига аралаштириб берилди. Учинчи тажриба гуруҳига хўжалик рационига куфэстрол препаратидан (1гр/100 кг) емига аралаштириб берилди.




1-расм. Жўжаларни тирик вазни, г (n=85)

Тадқиқотларимизда бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги жўжаларнинг 5 боши ўлди, яшовчанлик 94%, иккинчи тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг 3 боши ўлди, яшовчанлик 96% ҳамда учинчи тажриба гуруҳидаги жўжаларининг 1 боши ўлди, яшовчанлик 99% ни ташкил этди. Тирик тана вазнининг ўсиш динамикаси ҳар бир гуруҳдан 45 бош жўжаларни эрталаб озиклантиришдан олдин индивидуал тортиш билан амалга оширилди. Тажрибадаги жўжаларни ҳар 10 кунда электрон тарозида тортиб бориш орқали аниқланди. Жўжаларнинг 10, 20, 30, 40, 50, 60

кунлигида тирик вазнининг ўртача ўсиши кузатилиб борилди. Тажрибани охирида жўжаларнинг ўртача тирик вазни биринчи назорат гуруҳида 315,2 граммга, иккинчи тажриба гуруҳида 363,9 граммга ва учунчи тажриба гуруҳида 440,3 граммга ошганлигини ёки назоратга нисбатан фоизда иккинчи гуруҳда 14,7 % ва учинчи гуруҳда 23,5 % га кўпайган, ўртача кунлик ўсишда назорат гуруҳида 7,3 грамм, иккинчи тажриба гуруҳида 8,3 грамм ва учунчи тажриба гуруҳида 9,8 грамм ёки назоратга нисбатан фоизда иккинчи гуруҳда 14 % ва учинчи гуруҳда 22 % юқори эканлигини кўрсатди (1-расм).

Парранда организмига янги дори воситалари, биологик кўшимчалар ва биостимуляторларнинг таъсирини ўрганиш ва баҳолашда қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ўрганмасдан иложи йўқ, чунки организмдаги қон ўз ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган кўплаб вазифаларни бажаради. Қоннинг морфологик кўрсаткичлари BIOBASE BK6190 гематологик анализатори ёрдамида аниқланди. Қон зардобидаги биокимёвий кўрсаткичлари полавтомат Mindray BA-88A анализатори ёрдамида аниқланди.


Тажрибаларнинг 60 кунда назорат гуруҳига нисбатан учинчи тажриба гуруҳида эритроцитлар сони 12,3 % га, юқорилиги, лейкоцитлар 2,2 % га камайганлиги, гемоглобин 4,9 % га, умумий оқсил 2,07 % га, албуминлар 2,4 % га, глобулинлар 1,8 % га, калций 1,8 % га, фосфор 0,4 % га юқорилиги, глюкоза 2,8 % ( $P < 0,01$ ) камайганлиги қайд этилди. Қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилишдан олинган маълумотларга асосланиб, барча гуруҳлардаги жўжалар клиник соғлом бўлиб, танада патологик жараёнлар аниқланмади. Шунини аълоҳида таъкидлаш керакки, энг яхши натижа учинчи тажриба гуруҳидаги жўжаларда ёққол кўзга ташланди (2-3-расмлар).



**2-расм. Жўжалар қонининг морфологик кўрсаткичлари (60 кун)**

Шу бобнинг учинчи қисми «Тухум йўналишидаги товукларнинг маҳсулдорлигига куфэстрол препаратини таъсири» деб номланган бўлиб,

тажрибалар Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, “Уктам” хусусий илмий ишлаб чиқариш фермасида ҳамда Оқдарё туманидаги “Оқдарё-Озодбек паррандаси” паррандачилик хўжалигида ўтказилди. Хўжаликларга қарашли тухум йўналишидаги Ломанн Браун классик кроссли 90 кунлик 300 бошдан жўжалар олиниб, 100 бошдан қилиб, 3 та гуруҳга ажратилди.



### 3-расм. Жўжалар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари (60 кун)

Биринчи назорат гуруҳидаги жўжалар фақат хўжалик рацион асосида озиклантирилди, иккинчи тажриба гуруҳидаги товуклар рационига қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 100 кг емига 1,5 грамм, учинчи тажриба гуруҳидаги жўжалар рационига “Есотіх” премиксидан 100 кг емига 1 кг қўшиб берилди. Тажрибадаги жўжалар ҳар 30 кунда бир марта клиник текширишлардан ўтказилди.

“Уктам” хусусий илмий ишлаб чиқариш фермаси паррандахонасидаги биринчи назорат гуруҳидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги ўртача 80 % ни, иккинчи тажриба гуруҳида 91 % ва учинчи тажриба гуруҳида эса 85 % ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, куфэстрол қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги учинчи тажриба гуруҳига нисбатан 6 % га, назорат гуруҳига нисбатан 11 % га юқори бўлди.

“Оқдарё Озодбек паррандаси” паррандахонасидаги биринчи назорат гуруҳидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги ўртача 76 % ни, иккинчи тажриба гуруҳида 90 % ва учинчи тажриба гуруҳида эса 84 % ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, куфэстрол қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги учинчи тажриба гуруҳига нисбатан 6 % га, назорат гуруҳига нисбатан 14 % га юқори бўлди.

Қоннинг кўрсаткичларини аниқлаш орқали қўлланилган препаратларнинг товуклар физиологик ҳолатга таъсирини ўрганиш муҳим текшириш усулларида

бири сифатида кенг қўлланилади чунки, қондаги ўзгаришлар бутун организмдаги ўзгаришларни акс эттиради. Тажрибадаги товуқлар қонининг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишлардан олинган натижалар келтирилган.


Куфэстрол препарати қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан қондаги эритроцитлар 7,6 % га, гемоглобин 12 % га, умумий оқсил 18 % га, глюкоза 10,5 % га, кальций 12 % га, фосфор 8,6 % га ошиши кузатилди.

“Есоміх” премикси қўлланилган учинчи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан қондаги эритроцитлар 5,4 % га ( $P < 0,01$ ), гемоглобин 6,6 % га ( $P < 0,05$ ), умумий оқсил 8,0 % га ( $P < 0,05$ ), глюкоза 2,6 % га, кальций 10 % га ва фосфор 7,5 % га кўпайиши кузатилди

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги тухум йўналишидаги товуқлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари ҳам аниқланди ва қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди.

Куфэстрол препарати қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан лейкоцитлар сони 2,0 % га, лимфоцитлар 2,07 % га, Т-лимфоцитлар 1,74 % га, В-лимфоцитлар 1,36 % га кўпайганлиги, нейтрофиллар фаоллиги эса 13,3 % га камайганлиги қайд этилди.

“Есоміх” премикси қўлланилган учинчи тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан лейкоцитлар сони 1,5% га, лимфоцитлар 1,96% га, Т-лимфоцитлар 1,4 % га, В-лимфоцитлар 0,9% га ( $P < 0,05$ ) кўпайганлиги, нейтрофиллар фаоллиги эса 6,6 % га камайганлиги қайд этилди (4-расм).



**4-расм. Товуқларнинг тажриба охиридаги иммунологик кўрсаткичлари**

Юқоридаги барча гематологик кўрсаткичлар назорат гуруҳи ва учинчи тажриба гуруҳига нисбатан куфэстрол препарати қўлланилган иккинчи тажриба

гуруҳида юқори эканлиги қайд этилди. Бундан кўриниб турибдики, куфэстрол препаратининг товуклар организмига фармакостимулловчи таъсири юқорилигини кўрсатади.

Шу бобнинг тўртинчи қисми «Куфэстрол препарати қўлланилган тажрибадаги товуклар тухумини ветеринария санитария экспертизаси» деб номланиб, бу қисмда назорат, иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳларидан олинган тухумлар ветеринария санитария жиҳатидан баҳоланди ва куйидаги кўрсаткичлари бўйича деярли фарқ қилмади. Тухум қобиғининг бутунлиги, қобиқнинг тозаллиги ва тухум ичида ёт нарсаларни йўқлиги, шу билан биргаликда тухум ичидаги ҳаво камерасининг катталиги 5-6 мм, оқсили эса зичлашган бўлиб, ёруғликни яхши ўтказди. Иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳларидан олинган тухум таркибида оқсил 34,8 граммни, тухум сариғи 19 граммни ва тухум қобиғи 6 граммни ташкил этди. Назорат гуруҳи, иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳларидан олинган тухумларда қобиғи ёрилиб оққан, кичик доғли, ҳаво камераси катталашган, сариғи қобиққа ёпишиб қолган, қотиб қуриб қолган, оқсили қисман сариғига аралашиб кетган, ичида бир неча ҳаракатсиз кичик доғлар, атрофида тез учувчан ҳидларга эга бўлган тухумлар аниқланмади.

1-жадвал

Тухум сифатини органолептик баҳолаш (n=60)

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар		
	Ҳаво камерасининг ҳолати	Тухум сариғининг ҳолати	Тухум оқсилнинг зичлиги ва ранги
I-назорат	Катталиги 5 мм, ҳаракатсиз	Тук сариқ	тиниқ
II-тажриба	Катталиги 6 мм, ҳаракатсиз	Тук сариқ	тиниқ
III-тажриба	Катталиги 5 мм, ҳаракатсиз	Тук сариқ	тиниқ

Куфэстрол препарати қўлланилган товуклар тухумини ветеринария санитария жиҳатидан баҳолаганимизда тухумнинг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслигини ҳамда озиқ-овқат сифатида ишлатиш мумкинлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Бройлер жўжаларининг маҳсулдорлигини оширишда куфэстрол препаратини фармакологик таъсир хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Бройлер жўжалар организмига куфэстрол препаратини фармакологик таъсири” деб номланган бўлиб, бу қисмда бройлер жўжаларнинг ўсиш ва ривожланишига, қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларига таъсир этиши аниқланди. Самарқанд туманидаги “Миронкул Агрозооветсервис илмий-амалий маркази” МЧЖ ўтказилди. Тадқиқотларимиз учун 120 бош 1 кунлик РОСС-308 кроссли бройлер жўжалар олинди. Паррандахонадаги ҳарорат, вентиляция ва ёритиш тизими, озиқлантириш ҳўжаликга қўйиладиган зоогигиеник талабларга тўлиқ жавоб беради. Тажрибаларни ўтказиш учун 30 бошдан 4 та гуруҳга ажратилди. Тажрибаларимиз 42 кун давом этди.

Биринчи назорат гуруҳи бройлер жўжалари хўжалик рацион асосида озиклантирилди ва озукасига ҳеч қанақа дори воситалари қўшиб берилмади. Иккинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжаларига хўжалик рационига қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 1 гр/100 кг емга. Учинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжаларига хўжалик рационига қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 1,5 гр/100 кг емга. Тўртинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжаларига хўжалик рационига қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 2 гр/100 кг емига аралаштириб берилди.

Бройлер жўжаларига 1,0 грамм, 1,5 грамм ва 2,0 граммдан озикасига қўшиб берилиши натижасида уларнинг яшовчанлиги биринчи назорат гуруҳида 94%, 1,0 граммдан куфэстрол препарати қўлланилган иккинчи тажриба гуруҳида 95%, 1,5 граммдан куфэстрол препарати қўлланилган учинчи тажриба гуруҳида 98%, 2,0 граммдан куфэстрол препарати қўлланилган тўртинчи тажриба гуруҳида эса 98% ни ташкил қилди. 1 кг қўшимча вазн олиш учун омихта ем сарфи биринчи назорат гуруҳида 2,31 кг, иккинчи тажриба гуруҳида 2,12 кг, учинчи тажриба гуруҳида 1,94 кг, тўртинчи тажриба гуруҳида 1,85 кг омухта ем сарфланди.


Тажрибани бошида барча гуруҳларда бройлер жўжаларининг ўртача тирик вазни 43,4 граммни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб бу кўрсаткич назорат гуруҳида 2135,1 граммни, иккинчи тажриба гуруҳида 2341,2 граммни, учинчи тажриба гуруҳида 2565,0 граммни ва тўртинчи тажриба гуруҳида эса 2687,4 граммни ташкил қилди. Назоратга нисбатан бройлер жўжаларининг ўртача тирик вазни иккинчи тажриба гуруҳида 206,1 грамм (9,6%), учинчи тажриба гуруҳида 429,9 грамм (20,1%), тўртинчи тажриба гуруҳида 552,3 граммга (25,8 %) юқори эканлиги қайд этилди (5-расм).

Қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш орқали қўлланилган препаратларнинг бройлер жўжалари физиологик ҳолатига таъсирини ўрганиш муҳим текшириш усулларидан бири сифатида кенг қўлланилади чунки, қондаги ўзгаришлар бутун организмдаги ўзгаришларни акс эттиради. 2,0 грамм миқдорида куфэстрол препарати қўлланилган тажриба гуруҳи бройлер жўжаларининг 16 кунда назорат гуруҳига нисбатан тўртинчи тажриба гуруҳида эритроцитлар сони 13,3 % га, гемоглобин 0,79 % га, умумий оксил 5,1% га, албуминлар 7,5% га, глобулинлар 3,4 % га, калций 9,2% га, фосфор 1,7% га юқорилигини, глюкоза 3,4 % га, лейкоцитлар сони 3,0% га, аспартатаминотрансфераза (АсАТ) 1,19 % га, аланинаминотрансфераза (АлАТ) 2,88 % га пасайганлиги қайд этилди.


Тажрибаларнинг 30 кунда назорат гуруҳига нисбатан тўртинчи тажриба гуруҳида эритроцитлар сони 12,7 % га, гемоглобин 3,55 % га, умумий оксил 7,2 % га, албуминлар 12,7% га, глобулинлар 3,0% га, калций 11,1% га, фосфор 6,0 % га, глюкоза 8,2% га юқорилигини, лейкоцитлар сони 7,0% га, аспартатаминотрансфераза (АсАТ) 14,6% га, аланинаминотрансфераза (АлАТ) 27,6 % га пасайганлиги қайд этилди.

Тажрибаларнинг 42 кунда назорат гуруҳига нисбатан тўртинчи тажриба гуруҳида эритроцитлар сони 14,8% га, гемоглобин 9,74 % га, умумий оксил 13,8% га, албуминлар 13,7% га, глобулинлар 13,9 % га, калций 1,4 % га, фосфор 17,0% га, глюкоза 8,3% га юқорилигини, лейкоцитлар сони 8,6% га, аспартатаминотрансфераза (АсАТ) 33,3 % га, аланинаминотрансфераза (АлАТ) 30,8% га пасайганлиги қайд этилди (6-расм).





**5-расм. Бройлер жўжаларни ўртача тирик вазни (г)**



**6-расм. Бройлер жўжалар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари**

Шу бобнинг иккинчи қисми «Бройлер жўжалар гўштини ветеринария санитария экспертизаси» деб номланиб, бу қисмда хўжалик рациони асосида боқилган

назорат гуруҳи ва куфэстрол препарати қўлланилган тажриба гуруҳларидаги бройлер жўжалари сўйилгандан кейинги гўштини ветеринария санитария жиҳатидан сифатини аниқлаш мақсадида лаборатория текширишлари ўтказилди.

Бройлер жўжалар гўштининг органолептик кўрсаткичларини аниқлаш учун етилган гўштни (сўйиш жараёнидан 24 соат ўтгач) текшириб кўрганзимизда юзаси қуруқ, мушаклар зич ҳолатда, эластик консистенцияга эга бўлиб, кесмаларда бироз нам, янги парранда гўштига хос ҳидга эга эканлиги аниқланди. Ёғида бегона ҳидлар йўқлиги, табиий ҳолатда оч сарғиш рангдалиги, эритилган ҳолида тиниқ бўлди. Барча гуруҳлардаги паррандалар гўштини қайнатиб кўриш усулида текширилганда, ўзига хос бўлмаган ҳидлар аниқланмади, шўрваси тиниқ ва хушбўй эди. Тана гўшти ва ички органларни ветеринария санитария экспертизасидан ўтказишда ҳеч қандай патологик ўзгаришлар аниқланмади.

### 3-жадвал

#### Бройлер жўжалар гўштининг физик-кимёвий кўрсаткичлари (n=20)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I-назорат	II-тажриба	III-тажриба	IV тажриба
pH	5,62±0,4	5,68±0,8	5,69±1,2	5,71±1,3
Амин-аммиакли азотнинг миқдори (мг/%)	1,22±1,12	1,37±1,15	1,39±1,19	1,42±1,21
Оксидланиш-кислотали коэффиценти (мг/%)	0,15±0,8	0,17±0,10	0,18±0,12	0,19±0,18
Бензидинли реакция	Ижобий	Ижобий	ижобий	ижобий

Текширишлар натижасида бройлер жўжалар гўштининг органолептик кўрсаткичлари бўйича ўртача ҳисобда биринчи назорат гуруҳида 8,31 балл, иккинчи тажриба гуруҳида 8,44 балл, учинчи тажриба гуруҳида 8,51 балл, тўртинчи тажриба гуруҳида 8,54 баллни ташкил қилди, яъни назорат гуруҳи билан таққослаганда иккинчи тажриба гуруҳида 1,92 % ни, учинчи тажриба гуруҳида 2,40 % ни, тўртинчи тажриба гуруҳида эса 2,76 фоизга ошганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз давомида тажрибадаги бройлер жўжалар гўштини физик-кимёвий текшириш усулларида (ГОСТ 31470-2012) фойдаланилди. Гўштининг pH кўрсаткичи, аммиакли азот миқдори, оксидланиш–кислотали коэффиценти, бензидинли реакцияларига текширилди.

Тадқиқотлар натижасида биринчи назорат гуруҳидаги бройлер жўжалар гўштида pH кўрсаткичи 5,62±0,4 ни, иккинчи тажриба гуруҳида 5,68±0,8 ни, учинчи тажриба гуруҳида 5,69±1,2 ни, тўртинчи тажриба гуруҳида эса 5,71±1,3 ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан иккинчи тажриба гуруҳида 1,06 % ни,

учинчи тажриба гуруҳида 1,24 % ни, тўртинчи тажриба гуруҳида 1,60 % га ошганлигини кўрсатди.

Аммиакли азот миқдори биринчи назорат гуруҳидаги бройлер жўжалар гўштида  $1,22 \pm 1,12$  мгни, иккинчи тажриба гуруҳида  $1,34 \pm 1,15$  мгни, учинчи тажриба гуруҳида  $1,39 \pm 1,19$  мгни, тўртинчи тажриба гуруҳида эса  $1,42 \pm 1,21$  мгни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан иккинчи тажриба гуруҳида 12,29 % ни, учинчи тажриба гуруҳида 13,93 % ни, тўртинчи тажриба гуруҳида 16,39 % га юқорилиги аниқланди.

Оксидланиш–кислотали коэффиценти биринчи назорат гуруҳидаги бройлер жўжалар гўштида  $0,15 \pm 0,8$  мгни, иккинчи тажриба гуруҳида  $0,17 \pm 0,10$  мгни, учинчи тажриба гуруҳида  $0,18 \pm 0,12$  мгни, тўртинчи тажриба гуруҳида эса  $0,19 \pm 0,18$  мгни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан иккинчи тажриба гуруҳида 13,33 % ни, учинчи тажриба гуруҳида 20,0 % ни, тўртинчи тажриба гуруҳида 26,66 % га юқорилиги кўрсатди. Бензидинли реакция барча гуруҳларда ижобий бўлди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги парранда гўштининг органолептик, биокимёвий ва физик-кимёвий хусусиятлари бир хил бўлиб, бу унинг истеъмолга яроқли эканидан далолат беради. Олинган натижалар паррандаларда биостимулятор сифатида куфэстрол препаратини қўллаш истиқболларини тасдиқлайди.

Шу бобнинг учинчи қисми «Тажриба товуклари гавдасидаги патологоанатомик ўзгаришлар» деб номланиб, бу қисмда куфэстрол препаратини паррандалар организмига таъсирида ривожланадиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш мақсадида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, «Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедрасининг гавда ёриш хонасида Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, “Уктам” хусусий илмий ишлаб чиқариш фермаси паррандахонасидан келтирилган тажрибадаги 3 та гуруҳ тухум йўналишидаги товукларнинг гавдаси ёриб кўрдик. Патологоанатомик ёриб кўриш учун тажрибадаги 3 та гуруҳдан 150 кунлик 15 бош паррандалар танлаб олинди. Биринчи тажриба гуруҳи фақат хўжалик рацион билан боқилган. Иккинчи тажриба гуруҳидаги товуклар рационига қўшимча “Куфэстрол” препаратидан 1 тонна емга 15 грамм, учинчи тажриба гуруҳидаги товуклар рационига “Есотих” премиксидан 100 кг емига 1 кг қўшиб берилган. 15 бош тухум йўналишидаги Ломанн Браун-классик кроссли паррандалар Всеволодов усулида ёриб кўрилди. Бунда дастлаб, гавданинг елка суяклари қисман ажратилиб, кейин бўйинга нисбатан қарама-қарши томонга тортиш орқали кўрак ва қорин бўшлиқлари бирданига очилди.

Макроскопик усулда тажрибадаги учала гуруҳ товукларининг ички органлари бешта асосий кўрсаткичлар, яъни органнинг ранги, хажми, шакли, консистенцияси ҳамда органнинг кесилган юзасига асосланган ҳолда ўрганилди.

Юқоридаги патологоанатомик текширишлар, 3 та тажриба гуруҳларидаги товуклар гавдасидаги ташқи ва ички органларда ҳам патологик ўзгаришлар аниқланмади. Қўлланилган куфэстрол препарати тажриба гуруҳидаги товуклар организмига салбий таъсир кўрсатмаганлиги аниқланди.

Шу бобнинг тўртинчи қисми «Ишнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланиб, бу қисмда товукларни маҳсулдорлигини оширишда куфэстрол препаратини қўллаш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди. Товукларни гўшт маҳсулдорлигини камайишини олдини олишнинг иқтисодий самарадорлиги (Ис) қуйидагича аниқланди:

$Ис = 1518400 - 200638 = 1317762$  сўмни ташкил этди.

Ветеринария тадбирлари учун сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига иқтисодий самара (Сс):  $Сс = 1317762 \div 200638 = 6,56$  сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Куфэстрол препарати қўлланилган тухум йўналишидаги жўжаларнинг яшовчанлиги 99% ни ташкил этиб, ўртача тирик вазни назоратга нисбатан 125,1 граммга юқори бўлиши аниқланди.

2. Куфэстрол препарати қўлланилган тажрибадаги товукларнинг дастлабки тухумга кириши 125 кунлигида кузатилди, олинган тухум сони назоратга нисбатан 14% га ошган бўлса, ҳар бир тухумнинг ўртача оғирлиги 8,5 % га юқори бўлиши кузатилди.

3. Тухум йўналишидаги товуклар рационига куфэстрол препаратини қўшиб берилиши товуклар қонидаги эритроцитлар сонини-7,6% га, гемоглобинни- 12% га, умумий оксилни-18% га, кальцийни-12% га, фосфорни-8,6 % га ошишини таъминлайди.

4. Куфэстрол препарати қўлланилган товуклар тухум қобиғининг нисбатан қаттиқлиги ва бутунлиги, қобикнинг тозаллиги, тухум ичида ёт нарсаларни йўқлиги, оксили зич эканлиги, ёруғликни яхши ўтказиши аниқланди, тухумнинг хаво камерасининг катталиги 5-6 мм, тухум таркибида оксил 34,8 грамм, тухум сариғи 19 грамм, тухум қобиғи 6 граммни ташкил этди.

5. Куфэстрол препарати қўлланилганида бройлер жўжаларининг кунлик ўсишини ўртача 63,9 граммга (25,7%), тирик вазини-25,8% га юқори бўлишини, жўжаларнинг яшовчанлиги-98% ни ташкил этиб, 1 кг қўшимча вазн олиш учун омихта ем сарфининг ўртача 0,46 кгга камайишини таъминлайди.

6. Куфэстрол препарати қўлланилган бройлер жўжалар гўштини юзаси қуруқ, мушаклар зич ҳолатда, эластик консистенцияга эга, кесмаларда бироз нам, янги парранда гўштига хос ҳидга эга эканлиги аниқланди ҳамда 8,54 балл билан баҳоланди.

7. Куфэстрол препарати рационга қўшимча қўлланилганда бройлер жўжалар гўштининг физик-кимёвий кўрсаткичлари: рН кўрсаткичи 5,71, аммиакли азот миқдори 1,42 мг, оксидланиш–кислотали коэффиценти 0,19 мгни ташкил этиб, бензидинли реакция ижобий бўлиши билан характерланади.

8. Бройлер жўжаларининг ўсиши ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш учун 1 тонна омухта емига куфэстрол препаратидан 20 грамм миқдорида қўшиб берилиши натижасида сарфланган 1 сўм ҳисобига 6,56 сўм соф фойда олинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И  
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И  
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**КУЛДОШЕВ ГУЛОМ МАМАЮСУПОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ ПРЕПАРАТА КУФЭСТРОЛА НА ОРГАНИЗМ ПТИЦ**

**16.00.04 –Ветеринарная фармакология и токсикология. Ветеринарная санитария,  
экология, зоогигиена и ветеринарно–санитарная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.1.PhD/V79.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ssuv.uz](http://www.ssuv.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Холиков Абдор Азамович  
кандидат ветеринарных наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Салимов Юнус  
доктор ветеринарных наук, профессор

Юсупов Олимжон Шохонович  
доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам


**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт ветеринарии


Защита состоится « 4 » 12 2023 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: [ssuv@edu.uz](mailto:ssuv@edu.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (зарегистрирована за № 14309) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел./факс: (99866) 234-76-86, e-mail: [ssuv@edu.uz](mailto:ssuv@edu.uz)).

Автореферат разослан « 20 » 11 2023 г.  
(протокол рассылки № 1 от « 20 » 11 2023 г.)



  
**Х.Б.Юнусов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёной степени, д.биол.н., профессор

  
**С.Б.Эшбуриев**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению  
учёной степени, д.вет.н., доцент

  
**К.Н.Норбоев**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёной степени, д.вет.н.,  
профессор

## Введение (аннотация докторской (PhD) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире птицеводство является одним из интенсивно развивающейся и прибыльной отраслью сельского хозяйства. Данная отрасль дает возможность производить экологически чистое и качественное мясо птицы, диетические мясные продукты, яйца и перо для промышленности. Сегодня мясо птицы занимает второе место по производству и потреблению мясной продукции в мире. Мясо птицы богато по своему составу различными химическими элементами и превосходит мясо скота благодаря легкой переваримостью<sup>1</sup>. В связи с этим, разработка системы мер по эффективному использованию птицеводческих хозяйств, бесперебойному обеспечению населения качественными продуктами мяса и яиц, увеличению продажи отечественной птицеводческой продукции на внутреннем и внешнем рынке имеет научное и практическое значение.

